



MILLIY TIKLANISH

28 (297)

2014 йил 23 июль, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди



Жадал суръатларда ривожланаётган бугунги даврда барчамизнинг, айниқса, ёшларимизнинг чет тилларни мукаммал билишлари ҳаётини эҳтиёжга айланмоқда



Ўтган бир аср давомида ёққан ёмғирлар қарийб 10 фоизга ортган. Қолаверса, ёмғирларнинг кўпайиши айрим ҳудудларда сув тошқинлари, баъзи минтақаларда эса қуруқликларнинг пайдо бўлишига олиб келади



4 ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

6 НИГОҲ

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ



Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

© Партия лойиҳаси



Партия хотин-қизларнинг жамиятини модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнида тўлақонли ва фаол иштирок этишини таъминлаш йўлида изчил фаолият олиб боради.

ЎзМТДП сайловолди Платформасидан

“Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони”

кўрик-танловида иқтидорлилар сараланди

Аёл... Табиатнинг ноёб мўъжизаси ва ҳаётимизнинг гултожи ҳисобланмиш бу буюк ҳамда мўътабар зот азалдан юртимизда юксак эъзоз ва эътиборда бўлган. Истиқлол эса бу эзгу ишларнинг янада ривожланиши, янгича маъно-мазмун касб этишига имкон яратди. Аёлини эъзозлаган юртнинг келажаги порлоқ, фарзандлари баркамол, ҳаёти тинч ва фаровон бўлади, деган азалий ҳаётини ҳақиқат истиқлол шарофати билан яна бир қарра ўз исботини топди. Бугунги кун аёли уй бекаси, раҳбар, олимпиа, шоира, журналист, шифокор ва тадбиркор, бир сўз билан айтганда, ҳам оила, ҳам жамият ишининг фидойиси. У тарбиялаб, камол топтираётган фарзандлар эса ҳар жиҳатдан доно, ташаббускор ва етакчи.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда хотин-қизларга оид давлат сиёсатининг ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётгани бу борадаги ислохотлар кўламини янада кенгайтириб, аёлларнинг давлат ва жамият ишидаги иштирокини кучайтирмоқда. Бу борада қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эса уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаши, манфаатларини рўёбга чиқаришида муҳим дастуриямал бўлаётди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият қурилишида Хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонлари хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жабҳаларда муҳим масалаларни ҳал қилиш, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини оширишга хизмат қилмоқда.

2-бет

© Электорат минбари

Ғоялар жозибадорлиги эмас

уни амалга ошириш муҳим

Муҳим тарихий-сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловлар олдидан ҳар бир сиёсий партия ўз фаолиятини сарҳисоб қилиб, олдинги сайловларга қандай ғоя ва мақсадлар, сайловолди Платформаси билан киригани, улар бугун қай даражада ҳаётга татбиқ этилиб, сайловчи ва электорат вакилларига берилган ваъдалар қанчалик бажарилгани хусусида сайловчи олдига ҳисоб бериши, халқ ибораси билан айтганда “ғалвирни сувдан кўтариш” наласи этиб келаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

“Миллий тикланиш” демократик партияси электоратининг бир вакили сифатида партиянинг сайловолди Платформаси билан танишман. Платформада акс этган масалалар қай даражада бажарилди, қайси бир масала эътибордан четда қолди, деган саволлар муштарийларимизни ҳам қизиқтириши табиий.

Тарих ўқитувчиси бўлганим сабабли, куйидаги масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Маълумки, партия сайловолди Платформасида халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва эришилган ютуқларни улғайиб келаётган авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларда миллий тарих ва халқ анъаналарига нисбатан чуқур

хурмат туйғусини уйғотиш, маданият, санъат, театр, музейларнинг қўллаб-қувватланишини ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Мазкур дастурий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этиш орқали ўз электорати манфаатларини ифода этиш борасида ЎзМТДП томонидан муайян саъй-ҳаракатлар амалга оширилгани сир эмас. Бунга қўллаб тарғибот тадбирлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар сессияларига олиб чиқилган ташаббуслар, лойиҳа ва акцияларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Наманган вилояти, хусусан, Чортоқ тумани қадим тарихга эга ҳудуд ҳисобланади. ЎзМТДПнинг туман Кенгаши ташаббуси билан миллий музейнинг ташкил этилгани партия сайловолди Платформасини бажа-

ришдаги муҳим амалий қадам дейиш мумкин. Педагог ва ёшлар кўмагида ташкил этилган музейда ота-боболаримиздан қолган деҳқончилик асбоблари, турли даврдаги тангалар, идиш ва кийим-бош каби экспонатлар жамланди. Айни кунларда партия фаоллари ва электорат вакиллари музей экспонатларини янада бойитишда ўз ёрдамларини аяшмаяпти.

Эришилган натижалар ўзимизники. Лекин партия энди янги сайловолди Платформаси ҳақида бош қотириши, амалдаги сайловолди Платформасида белгиланган қандай мақсадларга нисбатан жиддий эътибор қаратилмагани, амалга оширилган ва етарли даражада бажарилмаган, электорат манфаатини ифодалайдиган яна қандай масалаларни кўтариб чиқиш лозимлиги, йўл қўйилган хато ва камчиликлар ўрганилиши, таҳлил қилиниши, таққосланиши ва улардан тўғри ҳамда оқилона хулоса чиқарилиши талаб этилади. Партия ана шундагина олдинга интилиши, ўз олди-қўйган мақсад ва вазифаларига тўлиқ эришиши мумкин бўлади.

Садриддин ТОЖИДДИНОВ,
Чортоқ тиббиёт коллежи ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида

Стоматология соҳасидаги юқори малакали тиббиёт кадрларини халқаро талаблар ва стандартлар даражасида тайёрлашни янада такомиллаштириш, таълим жараёнини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган ўқув ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, илғор ахборот-коммуникация ва таълим технологияларини жорий этиш, бўлғуси стоматолог мутахассисларнинг назарий тайёргарлигини улар ўрганаётган амалий кўникмалар билан чамбарчас боғлаган ҳолда олиб борилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги ва Молия вазирлигининг: Тошкент тиббиёт академиясининг стоматология факультети негизида Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш;
- Тошкент давлат стоматология институти ҳузурда Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Нукус филиалининг стоматология факультети негизида Тошкент давлат стоматология институтининг республика минтақаларидаги филиалларини ташкил этиш;

Тошкент давлат стоматология институти ҳузурда Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2-бет

© Муносабат

Дастурхонларимиз тўкин-сочинлиги

юрт ободлигидан дарак

Мустақиллигимизнинг 23 йиллик тантаналарини нишонлашга катта тайёргарлик кўрилатган бир пайтда юртимизда яна бир шодиёна, қувончли воқеага гувоҳ бўлиб турибмиз. Меҳнаткаш галлакорларимиз 8 миллион 50 минг тонналик улкан галла хирмонини уйиб, халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишди. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида ilk бор ана шундай улкан натижага эришилгани ҳар биримизга чексиз қувонч улашди.



4-бет

“Milliy tiklanish” газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

2. Куйидагилар Тошкент давлат стоматология институтини фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин; замонавий талабларга мос келадиган ва ҳозирги замон стоматологиясининг илғор технологияларини эгаллаган стоматология соҳасининг юқори малакали тиббиёт кадрлари ва илмий мутахассисларини тайёрлаш;

3. Белгилаб қўйилсинки, Тошкент давлат стоматология институтини ҳузуридаги Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий маркази:

4. Тошкент давлат стоматология институтининг бошқарув ходимлари чекланган сони 35 кишидан иборат ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки, 2014 йилда Тошкент тиббиёт академиясига ҳамда стоматология йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича республиканинг бошқа олий тиббиёт таълим муассасаларига ҳужжатларини топширган ва тест синовларидан муваффақиятли ўтган абитуриентлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2014/2015 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида" 2014 йил 26 июндаги ПҚ-2193-сонли қарори билан тасдиқланган қабул квоталарига мувофиқ Тошкент давлат стоматология институтини ҳамда унинг филиалларининг тегишли йўналишлари ва мутахассисликларига қабул қилинадилар.

6. Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал қилиш учун 2-иловага мувофиқ таркибда махсус комиссия тузилсин.

7. Тошкент давлат стоматология институтининг фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин, унда:

8. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта мuddатда Тошкент давлат стоматология институтини фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин, унда:

9. Тошкент давлат стоматология институтини ва унинг филиалларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси тасдиқладиган рўйхат бўйича олиб қилинадиган стоматологик асбоб-ускуналар, ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, бошқа махсус асбоб-ускуна ва инвентарлар учун 2020 йилнинг 1 январига бож тўловлари (божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун йўғладиган йўғимлар бундан мустасно) тўлашдан озод қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодий таълим вазирлиги 2014 йилда ва кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети параметрларига Тошкент давлат стоматология институтини ва унинг филиалларини қуриши ишларини олиб бориш, моддий-техник таъминлаш, шунингдек, хорижий тилларда адабиётлар сотиб олиш, журнал ва бошқа вақтلىқ нашрлар, жумладан, ахборот-кутубхона ресурсларига обуна бўлишга мақсадли маблағлар, жумладан, зарур капитал қўйилмалар лимитлари ажратилиши кўзда тутилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И.Икромов зиммаларига юклансин.

шунингдек, институтнинг ўқув йили бошдан тўлақонли фаолият юритишни таъминлаш борасидаги бошқа ташкилий масалаларни ҳал этсин;

Тошкент давлат тиббиёт академияси ва бошқа олий тиббиёт таълими муассасаларининг тугатилган стоматология факультетларининг раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчилар таркибини белгиланган тартибда аттестациядан ўтказишни ҳамда Тошкент давлат стоматология институтини ва унинг филиалларини стоматология соҳасида амалий иш тажрибасига эга, ўқитиш ва илмий-амалий тадқиқотлар ўтказишнинг замонавий усулларини фаол қўлайдиган юқори малакали ташаббускор кадрлар билан таъминласин;

замонавий таълим технологиялари, энг янги ахборот ва ўқув-лаборатория асбоб-ускуналарини жорий этиш ва улардан кенг фойдаланиш асосида ўқув режалари ва дастурларини янгилаш ҳамда стоматология бўйича ўқув жараёнини ташкил этишни танқидий таҳлил қилсин ва илғор хорижий тажрибани ҳисобга олиб қайта кўриб чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Тошкент давлат стоматология институтини учун 2014/2015 ўқув йилининг бошланишига такомиллаштирилган давлат таълим стандартларига қатъиян мос келадиган, стоматологияни ривожлантиришнинг замонавий талабларига жавоб берадиган янги ўқув режалар ва дастурлар ишлаб чиқишини таъминласин;

бир ой мuddатда Стоматология ва юз-жағ хирургияси илмий-амалий марказини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга оширсин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда уч ой мuddатда машҳур мутахассис ва олимларни институтда ишлашга ва дарс беришга жалб қилиш, стажировкаларни ташкил этиш ва мутахассисларни тайёрлаш, биргаликда ўқув ва тадқиқот дастурларини амалга ошириш мақсадида Тошкент давлат стоматология институтини учун хорижий мамлакатларнинг илғор ихтисослаштирилган университет ва институтларидан техник ҳамкор белгилаш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта мuddатда Тошкент давлат стоматология институтини фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин, унда:

Тошкент давлат стоматология институтини вақтинча Тошкент тиббиёт академиясининг Тошкент шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 103-уйда жойлашган 3-сонли клиникаси ҳудудида жойлаштириши;

2015 йилдан институтнинг янги бинолари мажмуи, жумладан, ётоқхона, унинг филиаллари қурилишини бошлаш учун молиялаш манбалари, жумладан, грантлар, имтиёзли хорижий кредитлар ва бошқа бюджетдан ташқари маблағларни белгиланган ҳолда жорий йилнинг охиригача зарур лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни назарда тутсин.

9. Тошкент давлат стоматология институтини ва унинг филиалларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси тасдиқладиган рўйхат бўйича олиб қилинадиган стоматологик асбоб-ускуналар, ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, бошқа махсус асбоб-ускуна ва инвентарлар учун 2020 йилнинг 1 январига бож тўловлари (божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун йўғладиган йўғимлар бундан мустасно) тўлашдан озод қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодий таълим вазирлиги 2014 йилда ва кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети параметрларига Тошкент давлат стоматология институтини ва унинг филиалларини қуриши ишларини олиб бориш, моддий-техник таъминлаш, шунингдек, хорижий тилларда адабиётлар сотиб олиш, журнал ва бошқа вақтلىқ нашрлар, жумладан, ахборот-кутубхона ресурсларига обуна бўлишга мақсадли маблағлар, жумладан, зарур капитал қўйилмалар лимитлари ажратилиши кўзда тутилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И.Икромов зиммаларига юклансин.

Партия лойиҳаси



“Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони”

кўрик-танловда иқтидорлилар сараланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Биласиз, бир неча йиллардан буюн Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан аъъанавий тарзда “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” Республика кўрик-танлови ўтказиб келинади. ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, юксак билим ҳамда тафаккурга эга бўлган хотин-қизларнинг ташаббусларини рағбатлантириш ва рўёбга чиқариш, сиёсий етак аёллар ҳисобига партиянинг кадрлар захирасини мустаҳкамлаш, партия электоратининг мамлакатимиз сайлов тизими ва қонунчилик борасидаги билимлари, сиёсий онги ва маданиятини янада ошириш мақсадида кўрмаларни амалга ошириш, умуман, ҳаётнинг барча жабҳаларини модернизация қилиш ҳамда янгилашда иштирокини кенгайтириш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарорида ҳам мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишланган анжуманларда мустақиллиқнинг дастлабки йилларидан бошлаб хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги муношуни ошириш, қобилият ҳамда истеъдодини рўёбга чиқариш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, айниқса, қиз болаларни замонавий билим ва касб-ўнанишларни эгаллаш, ҳаётда муносиб ўрин олиши учун амалга ошираётган кенг қўламли ишларни тарғиб-ташвиқ этиш вазифасининг белгиланганлиги ҳам бежиз эмас.

Партиянинг йирик лойиҳаларидан бўлган “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловининг жорий йилги босқичи юқори савияда ўтказилди. Кўрик-танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларидан муваффақиятли ўтиб, республика босқичига етиб келган ўн тўрт нафар хотин-қиз ўзаро беллашдилар. Урни келганда таъкидлаш жоизки, кўрик-танловнинг ҳудудий босқичларида ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иш-

тирок этиб келаётган, ёши йигирмадан кам бўлмаган, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъъоси бўлган мингдан ортиқ хотин-қизлар ўзларининг интеллектуал салоҳиятларини синовдан ўтказишди.

Тадбирни ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуртов кириш сўзи билан очди:

— Тараққиёт йилларимизнинг ўтган қисқа даври мобайнида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Жамиятда хотин-қизларнинг мавқеи ва ролини юксалтириш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини, умуман, ҳаётнинг барча жабҳаларини модернизация қилиш ҳамда янгилашда иштирокини кенгайтириш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарорида ҳам мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишланган анжуманларда мустақиллиқнинг дастлабки йилларидан бошлаб хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги муношуни ошириш, қобилият ҳамда истеъдодини рўёбга чиқариш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, айниқса, қиз болаларни замонавий билим ва касб-ўнанишларни эгаллаш, ҳаётда муносиб ўрин олиши учун амалга ошираётган кенг қўламли ишларни тарғиб-ташвиқ этиш вазифасининг белгиланганлиги ҳам бежиз эмас.

Партиянинг йирик лойиҳаларидан бўлган “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловининг республика босқичи ҳам истиқлолнинг 23 йиллиги арафасида ташкил этилишида рамзий маъно бор. Энг улуғ ва энг азиз айём — Мустақиллик байрами ҳамда тобора яқинлашаётган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-

си Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловлар арафасида бу каби танловларнинг ташкил этилиши байрамга муносиб совға бўлиш баробарида партия сафидаги аёлларнинг сайловлардаги муносиб иштирокини таъминлашга хизмат қилади. Бугун ЎзМТДП аъъолари бўлган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, давлат ва жамият бошқарувидаги ролини ошириш, сиёсий етак аёлларни партия ва жамоат ишларига кенг жалб қилиш ҳамда ташаббускор хотин-қизларни қўллаб-қувват-

Тадбир таассуротлари ва хулосалар

Оптиной ЭСОНОВА, ЎзМТДП фракцияси аъъоси, ҳакамлар ҳайъати раиси:

— Бугунги кун аёлларига яратиб берилмаган шарт-шароит ва имкониятларга биз катта авлод вақиллари ҳавас қиламиз. Уларнинг турли соҳаларда қўлга киритаётган ютуқларини кўриб, мамлакатимиз келажаги ишончли қўлларда эканига ишонамиз. Хотин-қизларнинг иқтидори ва истеъдодини рўёбга чиқариш, рағбатлантириш ва янги марралар сари чорлашга хизмат қилаётган мазкур кўрик-танлов иштирокчилари ҳам бир-бирдан доно ва зукко. Уларга ҳавас қилмай илҳомимиз йўқ. Танлов шартларида иштирокчиларнинг партияимиз дастури ва сайловолди Платформасидаги мақсад ва вазифалар ижобатига қаратилган лойиҳалари таҳсинга сазовор. Қизлар орасидан голибни аниқлаш осон бўлмади. Бугун уларнинг барчасини голиб дейиш мумкин.

Зебо НИГМАТЖОНОВА, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош мутахассиси:

— “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловининг нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётганини мамнуният билан айтишимиз жоиз. Дастлаб кўрик-танловда партияимизнинг вилоят Кенгаши фаоллари иштирок этган бўлса, айни пайтда бошланғич партия ташкилотлари воситасида чекка ҳудудларга ҳам кириб бормоқда. Бу ЎзМТДП госяларининг кенг тарғиб этилаётгани ва чекка ҳудудлари ҳам қамраб олаётганидан далolat. Қувончарлики, иштирокчи қизлар давлат ва жамият ишида фаол иштирок этаётган хотин-қизлардир. Улар орасида магистрлар, фан номзодлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва давлат мукофоти соҳибалари бор.

Шафбат МУСАЕВА, ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари:

Кўрик-танловни ўзгача қизиқиш ва ҳавас билан кузатдим. Ҳар бир иштирокчининг ўзига бўлган ишончи ва билимларини намойён этишга бўлган иштиёқи баланд. Жиззах вилоятида ҳам мазкур кўрик-танловда иштирок этишни мақсад қилган хотин-қизлар сони ортиб бормоқда. Айниқса, бошланғич партия ташкилотлари аъъолари бу борада фаоллик кўрсатишмоқда. Шунингдек, таъкидлашни истардимки, кўрик-танловнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловолди йилида ўтаётгани партия фаолларини сайловларда муносиб иштирок этишга, партия сайловолди Платформасини самарали тарғиб этишга хизмат қилади.

Сўз — голибларга

Нодира КУШАКОВА, “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” республика кўрик-танлов голиби, Тошкент шаҳри:



— Айни дамда қалбимни қандай ҳислар чулғаб олганини сўз билан таърифлаб беролмайман. Мақсадим голиб бўлиш эди, аммо юрагимда бироз ҳадик ҳам йўқ эмасди. 14 нафар ақли, зукко, билимдон иштирокчи ичда голибликни қўлга киритиш осон бўлгани йўқ. Узим спортчи бўлсам-да, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий ислохотларни таҳлил қилиш, ўқиб-ўрганишга иштиёқим баланд. Кўрик-танловга тайёрланиш жараёнида сиёсий-ҳуқуқий билимларимни янада мустаҳкамладим. Шунингдек, қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорлар ҳақида кенг маълумотга эга бўлдим. Мазкур танлов келажақдаги орауларим рўёбидеги имконият эшикларини очиб берди. Ўйлайманки, келажақда ЎзМТДПнинг ташаббускор аъъоси сифатида халқимга нафим тегади.

Дилноза НОРМАТОВА, иккинчи ўрин соҳибаси, Самарқанд вилояти:



— Бугун жамият тараққиётининг ҳар бир жабҳасида хотин-қизларнинг ўрни ва роли ортиб, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалиб бормоқда. Бу жараёнда ЎзМТДП ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Партия “Аёллар қаноти” томонидан ўтказиб келинаётган мазкур кўрик-танлов хотин-қизларнинг ҳар томонлама фаоллигини ошириш, шунингдек, улар орасидан сиёсий жиҳатдан етакчи бўлишга хизмат қилиб келмоқда. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларидан буюн таълим тизимида кенг ислохотлар олиб борилмоқда ва бу жараёнда партияимиз фаол иштирок этишга интилаётгани қувонарли. Мен ҳам ЎзМТДП берган кенг имкониятлардан самарали фойдаланиш ниятида танловда таълим тизимида замонавий технологиялардан фойдаланиб, янгиликлар киритиш бўйича ўз лойиҳам билан иштирок этдим. Айни дамда педагогик ва партиявий билимларим ўз самарасини берганидан қувончим чексиз. Олий мақсадларимдан бири ЎзМТДП гоя ва вазифаларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиб, партияимиз сафини фаол хотин-қизлар билан кенгайтиришга ҳисса қўшишдир.

Шохиста ЖАЛОЛОВА, учинчи ўрин соҳибаси, Наманган вилояти:



— Кўрик-танловда партиявий билимларимни ошириш баробарида ЎзМТДПдан фаолият билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдим. Улар томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, ташаббуслар мен ва тенгдошларимни янада руҳлантирди. Танловнинг нозими билан таниша туриб, албатта, мен бу тадбирда голиб бўламан, деб ўз олдимга мақсад қўйган эдим. Мана ниятим амалга ошди. Танловда иштирок этган барча қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим, кенг дунёқараш ва фаол фуқаролик позициясига эга эканини ҳар бир шартда сезилиб турди. Бу эса танловнинг юқори савияда ўтишида муҳим аҳамият касб этди. Шу билан бирга, танловда иштирок этган қўллаб-қувватловчиларимдан билмаганларимни ўрганиб, ўзаро таъриба алмашдик. Ўйлайманки, хали қўллаб-қувватловчиларим бу кўрик-танловнинг голиблари бўлишди.

Шохида ДАМАНОВА, Тўмарис АЪЗАМ, “Milliy tiklanish” мухбирлари

Фестиваль

Миллий ўйинлар

фарзандлар камолотида муҳим аҳамиятга эга



**Чори чамбар
Бори анбар.
Она қиз қайда
Ола-була тоғда!**

Миллий халқ ўйинларидан ҳисобланган "Она-бола" ўйинида ижро этиладиган ҳар биримизга болаликнинг ёрқин хотираларини эслатган бўлса, ажаб эмас. Чор атрофи маҳаллий хунармандларнинг меҳнат маҳсуллари, миллий қўғирчоқлар, кашталару сўзаналар билан безатилган ўйингоҳга фарғоналик қувнок, шодон ўғил-қизлар йиғилгач, у ердаги "Миллий халқ ўйинлари" фестивали ҳақиқий байрамга айланди. Доира чалиб лапарлар куйлаётган онахонлар, "Киз қувиш", "Кураш", "Ағдариш" каби ўйинларда йиғитларга йўл ўйриқ кўрсатиб, ўйин қоидаларини ўргатаётган отахонлар мазкур сайлга ўзгача шукӯҳ бағишладилар, десак ҳато қилмаган бўламиз.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида халқимизнинг миллий қадриятлари бўлган маънавий, маданий бойликларимизни тиклаш, бойитиш, асраб-авайлаш, уни келажак авлодларга бекум-кўст етказиш борасида кенг қўламли сай-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Кўп асрлар мобайнида шаклланган бебаҳо бойлигимиз ҳисобланмиш урф-одатлар, маросимлар, халқ ўйинлари, байрамлар ҳамда миллий қадриятларимизнинг ўрни ва маъноси тиклаш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий вазифаларидан бири саналади.

Ўзбек халқи асрлар давомида эзгуликни ўзида акс эттирган қадимий ва бой миллий маданияти би-

лан ҳахон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган халқ ҳисобланади. Қадриятларни эъзозлаш, қадимий урф-одатларни шакллантириш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маданий меросимизни келажак авлодга етказиш ва миллий халқ ўйинларининг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига чуқур сингдириш бугунги долзарб масалалардан бирidir.

Тадбирни ЎзМТДП Фарғона вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Абдусаттор Мирсаидов кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Қадимий ва бой тарихга эга бўлган халқ ўйинларининг илдизлари инсоният пайдо бўла бошлаган даврга бориб тақалади. Ўйинлар халқ томонидан яратилиб, кишиларнинг кундалик ҳаётидаги воқеалар ҳамда ҳодисаларни ўзида акс эттиради. Таассуротларни, қузатишларни, тажриба ва ҳиссиётларни гавдалантириб, ўзида сўз, мусика, рақс шакллари мужассамлаштиради. Ўзбек миллий ўйинларининг тарбиявий жиҳатларидан бири шуки, улар болаларда ватанпарварлик ва катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш каби туйғуларни шакллантириш, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Халқимизнинг ўзига хос миллий удумлари, урф-одатлари, анъаналарининг тарғибига йўналтирилган ушбу минтақавий фестиваль ёшларимизда миллий гуруҳнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Тадбирда таъкидланганидек, таълим тизимининг барча босқичларида, ўқувчиларнинг бўш вақтларида халқ ўйинларидан фойдаланиш миллий қадриятларимизнинг улуғлани-

ши, ривожланиши, кўп йиллар мобайнида давом эттирилишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўйинлар халқ ҳаётининг муҳим қисми эканини Шарқ алломалари — Фирдавсий шох ўйинлари, Беруний қадимий халқлар ўйинлари, Ибн Сино ўйиннинг шифобахш хусусиятлари ҳақида ўз асарларида маълумотлар бериб ўтган бўлса, Маҳмуд Қошғарий туркий халқларга оид қўлаб ўйинларнинг турларини, Кайковус ўйинларда қатнашиш одобини, Алишер Навоий ва Заҳирриддин Бобур ўз асарларида ўйинлар орқали қизлар, айниқса, йиғитлар соғлом ва баркамол бўлиши билан бир қаторда паҳлавонлик, ёшликнинг завқи-шақи ҳақида ўз фикр ва муносабатларини билдирган.

Фестиваль доирасида ёш йиғит-қизлар "Уй-уй", "Она-бола", "Кўшни-қўшни", "Ов-ов", "Иш-иш", "Овга чиқиш", "Меҳнат қилиш", "Бекинмачоқ", "Оқ теракми-қўқ терак", "Чиллак", "Ёнғок ўйини", "Тош ўйини", "Суяк ўйини", "Дўппи (тёлпак) кетди", "Подачи" каби беллашувларда ўз маҳоратларини синашди.

Яқунда фаол иштирок этган бир гуруҳ ёшлар ЎзМТДП Фарғона вилоят Кенгаши ва ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

**Жамшид РУСТАМОВ,
ЎзМТДП Фарғона вилоят
Кенгаши "Ёшлар қаноти"
етакчиси:**

— Мазкур фестивални ўтказишдан асосий мақсад — аждодларимиз ҳаётида муҳим ўрин тутган, бироқ кейинги даврларда биров унутилган миллий халқ ўйинларини ўрганиш, тиклаш, тарғиб қилиш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган сай-ҳаракатларга ҳисса қўшишдан иборат. Бугун юртимизда ёшларни спортга, миллий халқ ўйинларига кенг жалб қилиш соғлом авлодни вояга етказишнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Дарҳақиқат, соғлом авлодни шакллантиришда миллий халқ ўйинлари муҳим аҳамиятга эга. Ер юзидан ҳар бир халқ миллат сифатида шаклланиб-дики, улар ўзининг миллийлигига эга. Шу жумладан, халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ва ўйинлари ҳам унинг ўзлигини аниқлашчи муҳим омилдир. Партиянинг бу каби йирик лойиҳалари миллий қадриятларимиз бардавомлигини сақлаш билан бир қаторда, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Музаффар
АБДУСАЛМОВ,
тадбир иштирокчиси:**

— Кўп йиллардан бунён спорт билан шугулланаман. ЎзМТДП томонидан ўтказилган қўлаб тадбирларда иштирок этаман. Жумладан, "Миллий тикланиш" соврини учун, "Миллий халқ ўйинлари" фестивалида мунтазам қатнашаман. Мазкур тадбирда ижро этилган ҳудудларнинг ўзига хос ўйинларини томоша қилиб, урф-одатларимиз, лапарларимиз, халқ ўйинларимизнинг ранг-баранглиги менда ўзгача таассурот қолдирди. Партияимизнинг бу каби ташаббуслари ёшларнинг миллатимизга хос қадриятлари, анъаналарини янада чуқурак аниқлашмизда, маънавий баркамол шахслар бўлиб вояга етишишида муҳим аҳамият касб этади.

**Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" муҳбири**

Хроника

Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш

бунда ҳудудий партия ташкилотлари ташаббус кўрсатиши муҳим

САМАРҚАНД

ЎзМТДП Оқдарё туман Кенгаши ташаббуси билан "Ягонасан муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб, хотин-қизлар ва ёшлар форуми ўтказилди.

Мазкур форум тумандаги маҳаллий хунармандлар томонидан ташкил этилган кўргазма билан бошланди.

— Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори юрtdошларимиз томонидан кўтаринки кайфиятда кутиб олинди, - деди партия туман Кенгаши раиси Гулбаҳор Рустамова. — Биз партия фаоллари ҳам туманимизда юртимизнинг қутлуғ байрамини кенг нишонлаш мақсадида турли тадбир, маънавий-маърифий кечалар ўтказаямиз. Жумладан, бугунги форумнинг ташкил этилишида ҳам шундай эзгу мақсад мужассам.

Санъаткорларнинг она Ватаним мадҳ этувчи куй-қўшиқлари, "Нафосат маликалари", "Қалдирғоч рақс" дасталарининг гимнастик қишқилари форум иштирокчиларига байрамона кайфият улашди. Яқунда фаол иштирок этган фольклор ансамбллари, маҳаллий хунармандлар ҳамда спортчи ёшлар партия туман Кенгаши ва ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

ФАРҒОНА

Ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишга биринчи галда маънан ва жисмонан соғлом авлод, соғлом жамият орқали эришилади. Бу борада аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган тарбия мезонлари, миллий қадрият ва анъаналар асосида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган тарғибот тадбирлари муҳим аҳамият касб этади. ЎзМТДП Кува туман Кенгаши томонидан ўтказилган "Фуқаролик жамиятининг шаклланишида ёшларнинг ўрни" мавзусидаги давра суҳбатига шу хусусида сўз борди.

Тадбирда сўз олганлар мамлакатимиз таълим тизимида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар жараёнида ёш авлоднинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, касб-хунар эгаллашига алоҳида эътибор қаратилаётганини, махсус Давлат дастурлари асосида таълим муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамлашиб бораётганини эътироф этдилар. Мамлакатимиз тараққиёти ва баркамол авлод тарбиясида партия ташкилотлари ҳам ўз фаолиятларини янада кучайтиришлари лозимлиги алоҳида таъкидланди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ЎзМТДП Пискент туман Кенгаши ташаббуси билан "Гиёҳвандлик-келажак қушандаси" мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўз олган партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда туман Ички ишлар бўлими вакиллари гиёҳвандлик иллатига ўзаро ҳамжихатликда курашиш ва унинг олдини олишда ҳамма бирдек масъул экани, айниқса, бу борада сиёсий партиялар янада фаолроқ бўлиб, ўсиб келаётган ёш авлодни бу каби салбий иллатлардан асраш борасида қўлаб амалий ишларни бажариши лозимлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Давра суҳбати якунида ёшлар эътиборига "Гиёҳвандлик-аср вабоси" мавзусида видеофильм намойиш этилди.

НАВОИЙ

ЎзМТДП Томди туман Кенгаши ташаббуси билан "Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ЎзМТДПнинг вазифалари" мавзусида тадбир ўтказилди.

— Бугун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида рўй бераётган янгиликлар ва ўзгаришлар жараёнида фуқаролар сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қўмақлашиш олдимизда турган устувор вазифалардан саналади, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши раиси Ғ.Жаппаров. — Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури" муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Шунингдек, сўзга чиққанлар сайловчилар ва партия электоратининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партияимиздан сайланган депутатлар ҳамда депутатлик гуруҳларининг ўрни ва роли беқиёс эканини таъкидлаб ўтдилар.

КАШҚАДАРЁ

ЎзМТДП Қарши шаҳар Кенгаши томонидан "Гиёҳвандлик — умр заволи" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

— Партия томонидан ўтказиб келинаётган бу каби тадбирларда таъкидланган ёшлар, ота-оналар, маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари ёшларнинг тарбиясига янада эътиборлироқ бўлиш, уларнинг бўш вақтини тўғри тақсимлаш ҳамда касб-хунар эгаллашлари учун янада маъсултироқ бўлишга интилиши табиий, - деди тадбирда сўзга чиққан партия шаҳар Кенгаши раиси Суннат Омонов. — Турли таъсир чоралари орқали ёшлар онгига маънавий иммунитетни шакллантириб, уларни оила ва таълим муассасаларида тўғри йўлга йўналтирсак фарзандларимизни бу каби салбий оқибатлардан йироқлаштириб, келажакга кенг йўл очган бўламиз.

СУРХОНДАРЁ

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан "ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" фаолиятига замонавий сиёсий технологияларни жорий қилиш масалалари" мавзусида очик мулоқот ўтказилди.

Таъкидланганидек, истиқлолнинг илк кўнлариданоқ мамлакатимизда навқирон авлод вакилларига алоҳида эътибор қаратилиб, ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Уларга юксак ишонч билдирилди. Юртбошимиз ташаббуси билан ҳар бир йилга ном берилиши ва шу муносабат билан кенг қамровли Давлат дастурларининг амалга оширилишида ёшлар масаласи алоҳида эътиборга олинмоқда.

Давра суҳбатига ЎзМТДП "Ёшлар қаноти"да эришилган натижалар билан бир қаторда фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам мавзудлиги алоҳида таъкидланди. Жумладан, аввало, партиялараро рақобат кучайиб бораётган бир пайтда партия "Ёшлар қаноти" фаолиятини янада жонлантириш, амалий сай-ҳаракатларни ривожлантириш, янги, таъсирчан лойиҳалар ишлаб чиқиш лозимлиги қайд этилиб, "Ёшлар қаноти"нинг ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган келгусидаги вазифалари белгилаб олинди.

ХОРАЗМ

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг баркамол бўлиб улғайишларига қўмақлашиш ЎзМТДПнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Зеро, юртимизнинг эртанги тараққиёти ёшлар қўлида. ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши томонидан ҳам бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, партия Кўшкўлпар туман Кенгаши томонидан "Илмли ва хунарли ёшлар — юрт эгаси" мавзусида ўтказилган тадбирда шу хусусида сўз борди. Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда истиқлолга эришилган дастлабки кўнлариданоқ ёшларимизни умуминсоний қадриятлар уйғунлиги, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳар томонлама етук шахс ва соҳанинг билимдон бўлиб улғайишларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилимоқда. Шунингдек, тадбирда тумандаги битирувчи ёшларнинг бандлигини таъминлаш, ўсиб келаётган йиғит-қизларнинг бўш вақтларини тўғри тақсимлаш, касб-хунар эгаллашларига эътибор қаратиш партия электорати манфаатларини таъминлашнинг энг мақбул йўли экани ҳақида сўз борди.

Ўз муҳбиримиз

Ўз-ўзини танқид

Масъулиятни ҳис этиб

фаолиятимизни янги босқичга кўтариш лозим

Шу нуқтаи назардан партияимиз ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, олдида турган вазифаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, жорий йилда бизни муҳим сиёсий жараёнлар кутиб турганини инобатга олиб, ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши ҳам жойлардаги партия ташкилотлари фаолиятини кучайтиришга ҳаракат қилиб келмоқда.

Маълумки, партияимиз дастурий мақсад ва вазифаларини кенг омма орасида тарғиб-ташвиқ қилиш, аъзолар ва хайрихоҳлар сафини кенгайтиришда тарғибот тадбирлари муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ЎзМТДП Вобкент туман Кенгаши фаолиятини намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Партия Кенгаши ўтган йили 116 та тадбир ўтказган бўлса, жорий йил бошдан бунён 30 та тадбир ўтказишга эришди. Қолаверса, партия аъзолари сон ҳам айни кунда 1 минг 218 нафарга етди.

Барчамизга маълумки, бошланғич партия ташкилотлари партияимиз фаолиятидаги энг муҳим ва хал қилувчи бўлинча ҳисобланади. Таъбир жоиз бўлса, уларни партиянинг қон томири, деб аташ мумкин. Партия фаолиятини янада кучайтириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда фаол иштирок этиш юзасидан ҳаётий тақлиф ва тавсиялар бошланғич партия ташкилотлари томонидан илгари сурилиши лозим. Чунки жойлардаги куйи бўлинча ўз ҳудуди муаммоларини яхши билади. Биргина мисол, халқ депутатлари Вобкент туман Кенгаши сессиясида партия гуруҳи томонидан олиб чиқилган "Вобкентда тарихий музей ташкил этиш" масаласи ҳам тумандаги бошланғич партия ташкилотлари томонидан берилган тақлиф эди. Ушбу масала юзасидан сессия қарори қабул қилиниб, амалий ишлар бошлаб юборилган. Қолаверса, Вобкент тажрибаси ЎзМТДП Марказий Кенгаши пленумида ҳудуд

дий партия ташкилотлари орасида ўрганишга аризулик ташаббус сифатида эътироф этилди.

ЎзМТДП Вобкент туман Кенгаши бошланғич партия ташкилотлари сонини қўлайтириш ва фаолиятини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Масалан, партия Кенгаши таркибидан ўтган йили 24 та куйи бўлинча фаолият юритган бўлса, айни кунда улар сон 35 тани ташкил этмоқда. Бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, партия аъзолари ҳамда депутатларнинг мустаҳкам алоқаси, партиявий масъулиятни ҳис этиши натижасида аъзолик бадаллари ҳам ўз вақтида тўлаб борилмоқда.

ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши фаолиятида эришилган ютуқлар билан биргаликда айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Партия Пешку ва Ромитан туман Кенгашлари бугунги давр талабидан ортда қолаётгани, улар ўз фаолиятида кескин ўзгаришлар ясаши лозимлиги кўзга ташланмоқда. Куйидаги далиллар ҳам фикримизни тасдиқлайди. Пешку ва Вобкент ёнма-ён жойлашган қўшни туманлар ҳисобланади. Биринчисида 109 минг 600, иккинчисида 125 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Ўртадаги фарқ жуда кам, лекин иккала партия ташкилотимиз фаолияти бири иккинчисидан кескин фарқ қилади.

ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши фаолиятида эришилган ютуқлар билан биргаликда айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Партия Пешку ва Ромитан туман Кенгашлари бугунги давр талабидан ортда қолаётгани, улар ўз фаолиятида кескин ўзгаришлар ясаши лозимлиги кўзга ташланмоқда. Куйидаги далиллар ҳам фикримизни тасдиқлайди. Пешку ва Вобкент ёнма-ён жойлашган қўшни туманлар ҳисобланади. Биринчисида, 109 минг 600, иккинчисида 125 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Ўртадаги фарқ жуда кам, лекин иккала партия ташкилотимиз фаолияти бири иккинчисидан кескин фарқ қилади.

ЎзМТДП Пешку туман Кенгаши аъзолари сон 2012 йилда 483 нафар бўлган бўлса, бугунги кунда 678 нафарни ташкил этмоқда. Партия аъзо-

лари сон салкам икки йил давомида атиги 142 нафарга кўпайган, холос. Бошланғич партия ташкилотлари сон 35 бор йўғи 21 тадан 24 тага етган. Айниқса, тадбирлар ўтказишда, электорат билан учрашувлар, мулоқотлар ташкил этишда, партия гуруҳи томонидан халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларига масалалар кириштишда, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Ўтган йили туман Кенгаши томонидан жами 31 та тадбир ўтказилганлигининг ўзиёқ фикримизни тасдиқлаб турибди. Туман Кенгашидан сайланган айрим депу-

татлар билан мунтазам алоқа боғланмаган, партия гуруҳи туман Кенгаши сессияларида бирор марта ҳам ташаббус билан чиқмаган.

Айрим партия ташкилотларидаги бундай сусткашлик ва муаммолар, шубҳасиз, кадрлар масаласига бориб тақалади. Шу боис бу борада ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан туркум ўқув-семинарлар ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Мақсад ўқув-семинарлар орқали юқори салоҳиятга эга, зукко ва билимдон, дунёқараш кенг кадрлар захирасини шакллантиришдан иборат. Зеро, ана шундай етук кадрлар партияимиз келажакдир.

**Маннон ОТАБОЙ,
"Milliy tiklanish" муҳбири**

Мамлакатимизда босқич-ма-босқич давом этаётган ислохотлар жараёни сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари янада кенгайтириш ва масъулиятни оширишда муҳим омили бўлмоқда. Уларнинг кенг қўламли ва самарали фаолиятини учун барча ҳуқуқий ва молиявий шароит ҳамда имкониятлар яратиб берилган. Ушбу имкониятлардан оқилона фойдаланиш, сиёсий партия сифатида жамиятда мустақам ўрин эгаллаш, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий ва иқтисодий жиҳатдан дунёқараш ва билим доираси кенг, масъулиятни ўз бўйича оладиган етук кадрлар потенциалини вужудга келтириш, партия мафкураси ва жорий янги ёндашувларни сиёсий қилишга қаратилган ишларни амалга ошириш бугунги куннинг муҳим вазифасидир.

Президентимиз Конституцияимизнинг 21 йиллигига бағишланган "Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш - ёрғу келажакимизнинг асосий омилдир" номида маърузасида ҳам ватанимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётининг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олиш ҳамда мамлакатни ислоҳ этиш, модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда сиёсий партияларнинг роли ва ўрнига алоҳида эътибор қаратдилар. Маърузада сиёсий партиялар, аввало, ўз электоратига, давлат ва жамият қурилишининг асосий масалалари, мамлакатда юриштилаётган ички ва ташқи сиёсат бўйича аниқ позицияга эга бўлиш, сайловчилари манфаатларини қатъий ҳимоя қилиб, улар орасида обрў қозониши лозимлиги қайд этилди. Мамлакат раҳбарининг сиёсий партияларнинг бугунги фаолиятига берган баҳоси ва билдирган фикрлари ЎзМТДП зиммасига алоҳида масъулият юклашини партиянинг барча даражадаги ташкилотлари ва партия гуруҳлари тўғри англаб, шунга монанд равишда иш олиб боришга интилмоқда.

Бизнинг шарҳ

ГЛОБАЛ ИСИШНИНГ ЁҒИНГАРЧИЛИККА ТАЪСИРИ

Бутунжаҳон метеорология ташкилоти вакиллари айтишича, ўтган бир аср давомида ёққан ёмғирлар 5-10 фоизга ортган



Ўтган йиллар давомида сайёрамиз бўйлаб ҳаво ҳароратининг кўтарилиши табиий офатларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, Европа ва Осиёнинг қатор минтақаларида кучли ёмғирларнинг ёғиши, қорнинг сурункали эриши, кучли шамол эсиши ва бошқа омиллар туфайли сув тошқинлари рўй бераётган. Оқибатда нафақат моддий, балки ҳисоблаб бўлмайдиган маънавий зарар — инсонлар ўлими кузатилаётган.

Бу йилги об-ҳаво ҳам аввалгиларидан қолишаётгани йўқ. Хусусан, Буюк Британияда қарийб икки ой давомида ёққан ёмғирлар оқибатида 8 мингдан ортиқ уй сув остида қолиб кетди, 5 мингдан зиёд одам ҳавфсиз жойларга кўчирилган. Мамлакатдаги энг йирик Темза дарёси суви рекорд даражада кўтарилгани қайд этилди. Табиий офатдан, айниқса, мамлакатнинг қарийб ва жанубий ҳудудлари жиддий талофат кўрган. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, Буюк Британияда тинимсиз ёмғирларнинг ёғиши 1766 йилдан буён кузатилмаган.

Яқинда Болконда бошланган сув тошқинлари кейинчалик жанубий-шарқий ва марказий Европа ҳудудларини қамраб олди. Босния ва Герцоговинада ўтган 120 йил давомида энг кўп ёмғир ёғиши кузатилган. Бунинг оқибатида қарийб 60 нафар одам ҳалок бўлган, 100 мингдан

ортиқ аҳоли турар-жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлган. Мамлакат фавақулдада вазиятлар вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан сув тошқинларининг олдини олиш учун сув омборлари қурилиб, ортиқча сувлар дарё ўзанига буриб юборилди, сув ёқаларига мустаҳкам тўғон, дамбалар қурилди. Аммо кетма-кет ёққан ёмғирлар ва кучли шамол вазиятни издан чиқарди.

Расмий маълумотларга қараганда, сув тошқинининг биринчи ҳафтасидаёқ Босния ва Герцоговина ҳамда Сербиянинг ярим миллиондан зиёд аҳолиси зарар кўрган. Сербия пойтахти Белградда 113 мм атрофида ёмғир ёққан. Табиий офат 100 минглаб уйни сув остида қолдирган, шунингдек, жамоат транспорт воситалари — троллейбус, автобус ва трамвайлар ҳаракати вақтинча тўхтатилган. Мамлакатнинг Чачак, Вертица, Крупань, Обреновац, Парачин, Свилайнац, Лазаревац, Осечина ва бошқа кўпшаҳарларда ҳам транспортлар фаолияти тўхтатилган.

Маҳаллий матбуот тарқатган хабарларга кўра, Босния ва Герцоговинанинг айрим ҳудудларида сув сатҳи 9 метрга кўтарилган, ҳалок бўлганлар сони 50 нафарга етган. Сув тошқинлари Хорватиянинг шарқий ҳудудларини ҳам қамраб олиб, қарийб 300 та уй сув остида қолиб кетган. Табиий офатдан Руминиянинг жанубий ҳудудлари жиддий талофат кўрган. Австрия, Болгария, Венгрия, Италия, Польша ва Словакияда кучли шамол эсиши кузатилаётган.

Июль-август — Бангладешда ёмғирлар мавсуми. Айни пайтда минтақада кузатилаётган тинимсиз ёмғирлар шундоқ ҳам

қашшоқликда кун кечираётган миллионлаб одамларни бошпанасиз қолдирмоқда. БМТ ва бошқа тегишли ташкилотлар кучли тошқин ва бўронлар асирга айланган аҳолига кийим-кечак ва озиқ-овқат таъминотларини етказиб беришмоқда.

Таиланд пойтахти Бангкокда эса тинмай ёққан ёмғир оқибатида сўнгги эллик йил ичидаги энг кучли сув тошқини юзага келди. Синоптикларнинг фикрича, мамлакатдаги ёғингарчилик миқдори хавфли кўрсаткичга етган. Шаҳарнинг кўпшаҳар туманлари сув остида қолган. Йўлларда автомобиллар ҳаракати тўхтатилган, маҳаллий аҳолини хавфсиз ерларга кўчириш ишлари давом этмоқда. Маълумот ўрнида шунини айтиш жоизки, 2011 йили маэкур давлатдаги Чаупхьяя дарёси сат-

ҳининг кўтарилиши оқибатида Бангкок маркази сув остида қолган. Ушанда табиий офат қарийб саккиз юз кишининг ўлимига сабаб бўлган.

Кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунда сайёрамизда кузатилаётган иссиқлик учун инсон фаолияти ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бутунжаҳон метеорология ташкилоти вакиллари айтишича, ўтган бир аср давомида ёққан ёмғирлар қарийб 10 фоизга ортган. Қолаверса, ёмғирларнинг кўпайиши айрим ҳудудларда сув тошқинлари, баъзи минтақаларда эса қуруқликларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Агар ёмғирлар ёғиши кўпая борса, ўрта ва юқори кенгликларда табиий офатларнинг кўпайиши ҳеч гап эмас.

Ўз навбатида россиялик бир гуруҳ олимлар иқлим ўзгариши борасида шундай хулосани илгари суришган: ўтган 10 йилда ҳавонинг ўртача ҳарорати 0,4 дан 0,6 даражага кўтарилган. Оқибатда Арктика ва Антарктида музликлари эриб, океан сатҳи 10-25 сантиметрга кўтарилган. Марказий Осиё ва Осиё минтақаларида ёғингарчилик кўпайиб, ўз навбатида қуруқчилик ва саҳролашиш ҳам кучайган. Расмий Вашингтон эълон қилган ҳисоботга кўра, Кўшма Штатларда иқлим ўзгаришининг оқибатлари тобора ёмонлашиб бормоқда. Унга кўра, ёғинлар кўлами, ҳаво ҳарорати ва денгизлар сатҳи ошгани ҳамда музликлар қечиниб, дарёлар оқими ўзгараётгани айтилади.

Оқ уйнинг илм-фан ва технологиялар идораси маълумотида кўра, 2100 йилгача АҚШда ҳаво ҳарорати ўртача 6 даражага кўтарилиши мумкин. БМТ ва Халқаро метеорологик ташкилот томонидан Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳининг ҳисоблашича, сўнгги 40 йилда океанлардаги ҳароратнинг ортishi кутилганидан 50 фоиз тезроқ содир бўлмоқда. Агар глобал иссиқликнинг сатҳидаги музликлар эриши давом этса, 2100 йилга бориб океанлардаги сув сатҳи кўпи билан 59 сантиметрга кўтарилади.

Бехзод ИСКАНДАР

Сув тошқини — дарё, кўл ёки денгиз суви сатҳининг кўтарилиши натижасида қуруқликни сув бошиши. Дарё, асосан, ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиб, қор ёки музликлар қисқа вақтда кўп миқдорда эриганда, қаттиқ жала куйганда тошади. Дарё ўзанига муз тўқилиб қолганда ҳам тошқин рўй беради. Денгиз соҳиллари ва ороларда зилзила пайти ёки океанда вулқон отилганда тўлқин кўтарилиши натижасида ҳам сув тошқини вужудга келади.

Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, кучли ёмғир ёғиши сув сатҳининг кескин кўтарилиб, дарё, кўлларга сиғмай, экин майдонлари, турар-жой массивлари, йўлларни издан чиқаради. Бундан ташқари, электр энергия, алоқа узаткичлар, мелиоратив тизимлар ишдан чиқади, қорва моллари, қишлоқ ҳўжалиги экинлари йўқ бўлиб кетади, хом ашёлар, ёқилги, озиқ-овқатлар, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотлар яроқсиз ҳолга келади ёки бутунлай йўқ бўлиб кетади. Сув тошқини каналлар ва сув сақлайдиган омборларнинг турли сабабларга кўра ишдан чиқиши оқибатида ҳам кузатилиши мумкин.

Европанин жануби-шарқиди жойлашган Албания Республикаси шимоли-шарқиди Македония, шимоли-ғарбиди Черногорья, жануби-ғарбиди Греция билан чегарадош. Мамлакат ғарбини эса Адриатика денгизи сувлари ювиб туради. Пойтахти Тирана шаҳри. Майдони 28748 квадрат километр. Аҳолиси 4 миллиондан зиёд.

Узоқ йиллар давомида дунёдан узилиб қолган тоғли ўлканинг диққатга сазовор жойлари жуда кўп. Булар орасида Миллий тарих музейи, Маданият саройи, Миллий кутубхона, Этем Мей масжиди ва минораси, шунингдек, Анвар Хўжа музейи, Халқаро маданий марказ, Конгресс саройи, "Она Албания" ёдгорлигининг ўрни бўлачқа. Сўнгги йилларда мамлакатда туризмнинг жадал ривожланиши маҳаллий тадқиқотчиларда албан халқ изополифоник кўшиқларини тиклаш ва ўрганишига нади. Мазкур хайрли ишга профессионал санъаткорлар таклиф қилиниб, умрбоқий кўшиқлар яна миллий мулкка айланган. Изополифоник кўшиқлар албан халқ кўшиқларининг ажралмас бир қисми сифатида 2005 йили ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон номдодий мероси ва оғза-

Рангин дунё

Муסיқа бўстонидаги жавоҳирот



ки ижод дурдоналари рўйхатида киритилди.

Албан халқ полифоник муסיқаси услубига кўра икки гуруҳга бўлинади. Ушбу гуруҳларнинг бирида шимолий албаниялик геглар, иккинчисида эса мамлакат жанубида яшовчи тоск ва лабалар куйлайди. "Изо" ата-маси "изон", яъни Византия аънавий черков муסיқаси дегандир. Бундай кўшиқни жўровозлар гувилашган охангда ижро этади. Одатда, изополифоник кўшиқлар эркаклар томонидан турли хил диний байрамлар, тўй, дафн маросими ва ҳоказо тадбирларда куйланади. Бироқ,

мамлакатнинг айрим ҳудудиди бу каби кўшиқларни аёллар ҳам ижро этиши мумкин. Албан полифониясидаги кўшиқлар икки яккагон ижро ва жўровозлар ҳамроҳлигида айтади. Ҳар бир яккагон ижро жўровозларнинг гувиллашига қараб ўзгариб туради. Гувиллаш турлари эса албан изополифониясида жуда кўп.

Изополифоник кўшиқчилик Албаниянинг тўрт ҳудуди — Мизек, Тожкёр, Чамёр ва Либёрияда кенг тарқалган. Шунга ўхшаш ижрочилик услубида пешкопияликлар, шунингдек, Качник (Косово), Полог, Тетово, Кичево ва

Гостиваре (Македония)да яшовчи албанлар ҳам куйлайди. Масалан, Лабёрияда кўп овозли кўшиқлар икки, уч ёки тўрт қисмга бўлинган ҳолда ижро этилади. Шундан икки қисмини фақат аёллар, учинчи қисмини эса эркаклар ва аёллар биргаликда куйлайди. Тўрт қисмдан иборат бундай полифоник кўшиқлар либёриялик албанларнинг энг ноёб муסיқий асариди ҳисобланади. Қолаверса, ўтказилган тадқиқотлар чоғида бундай кўшиқлар албан халқ полифоник ижрочилигининг ўта мураккаб йўналиши эканлиги аён бўлган.

Жануби-шарқий Европага хос муסיқий аънавларнинг шаклланишида албан полифонияси муҳим рол ўйгани сир эмас. 500 йил давомида Усонли турклар назоратида бўлганга қарамай, албан халқи ўз маданиятини кўз қорачиғидек асраб келган. Изополифоник кўшиқлар қадим замонлардан бери хозирги кунгача сақлаб келинган ана шундай миллий дурдонасидир. Бир пайтлар ушбу дурдона йўқолиб кетиш арафасида эди. Бироқ, хайрихоҳ инсонларнинг саъй-ҳаракати билан мамлакатда Миллий фольклор фестивалига асос солинди. Ушундан буён фестиваль дастурига изополифоник ижрочилик йўналиши киритилиб, аънавий кўшиқчи-

ликка бўлган қизиқиш ва эътибор янада кучайди.

Аслини олганда, умумалбан фольклор фестивалининг ташкилий ишлари 1949 йили Тирана шаҳрида бошланган. 1968 йилдан бошлаб фестиваль Гирокастра шаҳрида ҳар беш йилда бир ўтказиб келинади. Гирокастра шаҳар-музей бўлиб, XVIII-XIX асрлардан сўнг, шаҳар-музей ҳам ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатидан жой олди.

Бир неча кун давом этадиган Миллий фольклор фестивалида асосан аънавий албан муסיқаси янграйди. Шунингдек, фестивалда Косово, Туркия, Македония, Жанубий Италияда истиқомат қилувчи албанлардан тарқиб топган вокал ва рақс дасталари иштирок этади. Мазкур фестиваль албан халқ муסיқасини йўқликдан асрабгина қолмай, дунё бўйлаб тарқалиб кетган халқни бир жойга тўплади ҳам.

Ҳеч бир халқнинг санъатига ўхшамас албан фольклори фестивалини ўтказиш таклифи ўша пайтдаги коммунистларга ҳам маъқул келди. Албан матбуоти фестивал кўшиқларини ўз саҳифаларида тўлиқ ёритган бўлса, радио ва телевизор орқали ушбу маросим бетўхтов узатилган.

Хитойда “Момақалдиқроқ худо”си

Хитойда юз берган тўфон туфайли 30 киши ҳалок бўлган, яна 16 киши бедарак йўқолган, дея хабар беради Синхуа ахборот агентлиги.



Шаҳар сотилади

АҚШнинг Вайоминг штатида жойлашган “Алоиддин” шаҳри сотувга қўйилган.




Яна бир теракт

Афғонистон пойтахти Қобул аэропорти яқинида портлаш юз берган.



Техник носозлик

Япониянинг “Хонда” компанияси жаҳон бозорларидан “Accord” ва “Acura ILX” русумидаги 350 мингдан зиёд автомобилни таъмирлаш учун қайтариб олишини эълон қилган.



Мутахассисларнинг айтишича, машиналарнинг эшик қулфида техник носозлик аниқланган. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, ҳаракатланиш чоғида ушбу русумдаги транспорт воситаларининг эшиклари очилиб кетиш ҳолатлари кузатилган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Коммунистик тузум таназзулга юз тутгач, 1993 йили фестиваль биринчи бор ўтказилмай қолди. Орадан икки йил ўтиб, олтинчи Миллий фольклор фестивали Берат қалъасида ўтказилди. Бироқ, 2000 йили фестиваль яна Гирокастрага қайтди. Аънавага мувофиқ, фестиваль маросимлари шаҳар-музейдаги XII асрда тоғ устига қурилган қалъада бўлиб ўтди. Мазкур қалъа 1968 йилгача қамқоқхона вазифасини ўтаган бўлса, ҳозирда музей сифатида фаолият юритаётган. Қалъанин жанубий қисмидаги кенг ва бироз қияроқ шаклга эга

майдонда эса фестиваль қатнашчилари ўз маҳоратини кўрсатади. Миллий фольклор фестивалининг энг сўнгиси 2009 йилда ўтказилганини ҳисобга олсак, унинг навбатдагиси шу йил ўтиши кутилмоқда.

Ҳар бир халқнинг умрбоқий кўшиқлари бўлади. Изополифоник кўшиқлар албан миллий хосдир. Шунданми, бундай куйлаш услуби уларгагина насиб қилган. Албан халқининг бошини бирлаштирган сирли муסיқа, ўйлашмики, инсониятга-да муҳим эзгулик улашиши шубҳасиз.

Зафар МУҲАММАД






ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

*Барча юртдошларимизни
меҳр-саховат, эзгулик айёми
луборак Рамазон ҳайити
билан самимий
табриклайди.*

**Ушбу муқаддас ойда сизларга эзгу амаллар
ёр бўлишини, хонадонларингизга
тўкин-сочинлик тилаб қоламиз.**



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

БИЛАСИЗМИ?

Ер юзиде яшаган энг катта куш суяклари 1983 йил АҚШнинг Жанубий Каролина штатида топилган. Текширувлар чоғида салкам тўрт миллион йил яшаган куш қанотларининг узунлиги 6,5 метрга тенглиги қайд этилди.

Буюк Британиялик боғбон Питер Глейзбрук оғирлиги 27 килограмму 485 грамм бўлган гулқарам етиштириб, Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган аввалги натижа (24,6 кг.) ни янгиллади.

ТУРФА ОЛАМ

Ҳиссиётларга берилувчан робот

**ЯПОНИЯНИНГ SOFTBANK
ФИРМАСИ МУТАХАССИСЛАРИ
ТОМОНИДАН ИНСОН
ҲИССИЁТЛАРИНИ СЕЗУВЧИ ВА
ТУШУНУВЧИ РОБОТ ЯСАЛДИ.**



Муаллифларнинг сўзларига кўра, Реррег ("Қалампир") деб номланган мазкур робот «ҳиссий» деб аталувчи двигател ва сунъий интеллект тизимидан фойдаланади. Бу эса унга инсоннинг имо-ишоралари, овоз сигналлари ва ҳатто, юз ифодасини таҳлил қилиш имконини бераркан. Ишлаб чиқарувчиларнинг таъкидлашича, бундай робот билан инсон яқин дўстидек мулоқот қила олади. Шу билан бирга, Реррег турли вазифаларни бажаришга ҳам қодир. — Баъзан кам ҳиссиётли инсонлар ҳақида "уларда юрак йўқ, худди роботга ўхшайди" қабилдаги сўзларни эшитиб қоламиз. Биз эса инсоният тарихида биринчи бўлиб роботга инсоний юрак ва ҳис-туйғуларни жо этдик, - дейди Softbank ижрочи директори Масаеси Сон. Манбада келтирилишича, янги роботни яратишда япон кашшофлари Францианинг Aldebaran Robotics компанияси мутахассислари яқиндан ёрдам беришган.

Тежамкор кастрюль

**ОКСФОРД УНИВЕРСИТЕТИ
МУХАНДИСИ ТОМАС ПОУВИ
КАШФ ЭТГАН КАСТРЮЛДА ТАОМ
КУТИЛМАГАН ТЕЗЛИҚДА ТАЙЁР
БЎЛАДИ.**



Унинг ихтироси анъанавий шундай идишларга қараганда 40 фоиз кам иссиқлик сарфлайди. Бунинг учун Поуви кастрюлни махсус қовурғали қилиб ишлаган. Айнан шу усул унга йўналтирилган иссиқлик беҳуда чиқиб кетишига тўсқинлик қилади. Мухандиснинг айтишича, бундай кастрюлни яратиш гоёси унда альпинистлар билан қилган тоғ саёҳати чоғида пайдо бўлган. Ушанда улар сувни иситиш учун жуда кўп уринишган экан. Ихтирочи томонидан қўлланган юқоридаги усул кўпчиликка FIN-X технологияси сифатида ҳам яхши таниш. Мазкур технология асосида тайёрланган кастрюлда таом икки қарра тезроқ тайёр бўлади. Қолаверса, бундай идишда пийшайтган овқатни доимий назорат қилиш шарт эмас. Кастрюль газ ёки оловдан олган энергияни узок вақтгача ўзида сақлаш хусусиятига эга.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони бош ҳисобчиси Райҳон Бобомирзаевага отаси

МЎМИН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

«Юксак гоё» хусусий корхонаси «Юксак гоё» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилганлигини маълум қилади.



VATAN TUVG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Сувон НАЖИДДИНОВ, Мухаммадҷон ҚУРОНОВ, Фафурҷон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САФОВЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир ўринбосари: Исмаи ХУДОЕВ
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 727, Адади — 6483. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
Навбатчи муҳаррир: Зафар МУҲАММАД
Навбатчи: Умида УЗОҚОВА
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Тоширилди — 23.10.
ISSN 2010-7714